



БАЙРАМ
ТУҲФАСИ

2

Сайёра МАМАТКУЛОВА:
БАХТ МАНЗИЛИ
ОЙЛАДА!




4



МАҒЗИНИ
ЎЗИНГ ЧАҚ...

7

ОЙЛА ОЙНАСИДАГИ
СЕНИҚЛАР



8

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

ИСТИҚЛОЛИМ — БАХТИМ МЕНИНГ

Шукрона

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан ютуқларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртдошларимиз орасида кенг тарғиб этиш, атрофлича очиб бериш устувор вазифа сифатида белгиланган.

“Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” эзгу гоёси бугун ҳар бир юртдошимизни бирдамликда ишлашга, одамлар-

нинг кайфиятини кўтаришга, ҳаётга, яшашга, она Ватанга муҳаббатини оширишга хизмат қилаётгани, шубҳасиз. Ушбу қарор ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий институтлар, ҳуқуқшунослар, қолаверса, ҳар бир фуқаро фаол иштирок этаётгани барчамизни беҳад қувонтирмоқда.

Ҳар бир давлатнинг ўз миллий байрамлари, тарихий саналари бўлишини инobatга олсак, Мустақиллик — уларнинг ичида энг муҳим ва қутлуг байрамдир. Чунки у халқимиз тақдир, бугуни ва келажаги билан боғлиқ. Албатта, ўтган давр мобайнида мам-

лакатимизда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Ўзбекистонда миллий давлатчилик, ўзликни англаш, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматни тиклаш, урф-одат ва анъаналарни асраш, муқаддас ислом дини, буюк аждодларнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича беқиёс имкониятлар эшиги очиб берилди. Айниқса, бунда “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган стратегиянинг муҳимлигини ўз кўзимиз билан кўриб, юракдан ҳис қилиб турибмиз.

Айни пайтда кексалар, хотин-қизлар, ёшларга доимий эътибор ва ғам-

хўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда инсон қадри баланд эканлигини, инсонпарвар жамият бунёд этиш йўлида катта қадамлар ташланаётганлигини, ислохотлар ислохотлар учун эмас, инсон манфаатлари учун қаратилганини эришаётган натижалар ҳам аңглатиб турибди.

Алма ТОЖИБОЕВА,
ҳуқуқшунос,
Янгийўл тумани.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида Тошкент вилоятининг Янгийул туманидаги “Эски қовунчи” ҚФЙда “Намунали тиббиёт хонаси” иш бошлади

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ва болалар саломатлигини асраш, кексаларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аниқ ва самарали тадбирлар, янгича ташаббуслар изчил равишда амалга ошириб келинмоқда.

Тошкент вилояти Янгийул тумани “Эски қовунчи” ҚФЙда ташкил этилган “Намунали тиббиёт хонаси” ана шундай хайрли ишлардан биридир. Бу ҳам аҳоли, кексалар ва аёллар саломатлигини асраш, ёшлар орасида соғлом оила қуришни тарғиб этиш, тиббиёт ходимларининг жамоатчилик билан ишлашдаги масъулияти ва муносабат маданиятини юксалтириш, маҳалла аҳлига қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилди.

Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва ушбу намунали тиббиёт хонасини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда ҳимий ташкилотлардан бири — “Magnus medical servis” масъулияти чекланган жамиятига миннатдорчилик билдирди.

Маҳалладаги “Ораста қизлар давраси” тўғараги аъзоларининг “Нуронийлардан нур олиб” деб номланган кўргазмали тақдиротида кексаларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, маҳалланинг бугуни ва ўтмиши ҳақидаги маълумотлар акс эттирилганлиги кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Тадбир давомида маҳалладаги 10 нафар кексага ҳимий ташкилотларнинг совгалари тақдим этилди. Меҳ-

Истиқлол имкониятлари



монлар намунали тиббиёт хонасида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, маҳалла аҳли билан суҳбат курдилар.

Нигора Курбонова, Янгийул туманидаги “Гулбахор” ҚВП катта ҳамшираси:

— Маҳаллаимиз фуқаролари авваллари 3 чақирим узокликда жойлашган кишлоқ врачлик пунктига келишарди. Бу албатта ноқулайлик туғдирарди. Янги очилган намунали тиббиёт хонаси эса одамларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида очилди. Тиббиёт хонасидаги икки нафар умумий амалиёт шифокори ва 6 нафар худуд патронаж ҳамшираси “Саломатлик сектори” талаблари асосида фаолият олиб боради. Унга кўра, ҳафтанинг душанба кунда кексаларнинг саломатлиги назорат қилиниб,

тиббий ёрдам кўрсатилса, сешанбада ҳомиладор аёллар, болалар ва ўсмирлар текширилади, чоршанба ва пайшанбада атроф-муҳит тозаланади. Жума кунда эса аёллар саломатлиги, шанба муассасалар куни сифатида белгиланган. Бу тиббиёт хонасида барча шароитлар яратилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхоннова сўзга чиқиб, мазкур маҳалла аҳлини ушбу янгилик билан самимий қутлаб, бугунги кунда бундай муассасалар аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

**Камола АДАШБОВЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири,
Тошкент вилояти.**

“Соғлом авлод учун” хайрия фонди ташаббуси билан

УМИДЛАР ҚАНОТИДА

Болаларнинг қулгиси, масъум чехраси ҳамда изтиробли нигоҳлари ер юзидан бир хил намоён бўлади. Дунёнинг қаерида бўлсангиз ҳам, ўша жойдаги гўдакнинг соф табассумидан завқланасиз. Шунинг айтиши керак-да, йиғлаб турган боланинг бегонаси бўлмайдими, дея.

Кўнгли ўксик болаларни, туғма ва турли орттирилган хасталиклар билан оғриётган беморларни, кўзида ёш, қалбида умид билан қадалган нигоҳларига боқиб, уларга кўмак бериш мақсадида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамкор ташкилотлар билан бирга қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Болалар саломатлиги ва соғломлаштириш бўйича Сингапурнинг малакали шифокорлари делегацияси ҳамда Жанубий Кореянинг Ewha Woman's University госпитали шифокорлари юртимизга ташриф буюришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 августда тасдиқланган дастури доирасида “Smile Asia” хайрия ташкилотининг мутахассислари Фарғона вилояти болалар кўптармоқли тиббиёт марказида юқори лаб ва қаттиқ танглайнинг туғма нуқсонлари бўлган бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказишди. Сингапурлик пластик жарроҳ, анестезиолог, педиатр,

ортодантист, логопед, тиббиёт ҳамширалари ва бошқа мутахассислар ўзлари билан олиб келган дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари ёрдамида беморларни даволашди. Шунингдек, “Operation Smile” хайрия ташкилотининг Сингапурдаги бўлими шифокорлари Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 65 бемор болани жарроҳлик йўли билан соғломлаштиришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 июлда тасдиқланган ташриф дастури асосида жанубий корейлик шифокорлар Андижон вилояти болалар кўптармоқли тиббиёт марказида, Фарғона водийси (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари) аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди. Бундан ташқари, хорижий профессорлар томонидан Андижон давлат тиббиёт институти талабалари ва магистрлари учун ортопедия ва кардиология соҳаларида лекция-

лар ташкил этилди, ўзаро фикр алмашилди. Мутахассислар орасида 26 профессор ортопед, кардиолог, аллерголог, терапевт, фармацевт, тиббиёт ҳамширалари, стоматолог-гигиенист, талабалар бўлиб, улар тиббий кўриқдан ўтганларга ўзлари билан олиб келган дори-дармон ва санитария-гигиена воситаларини бепул тарқатишди.

Жорий йил “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг “Save the Children” халқаро фонди, Ехва, Ёнсей, Ин Ха ва Пундан Ча университетлари госпиталларида, шунингдек, Туркия ҳамда республикаимиз шифокорлари билан ҳамкорликда туғма юрак нуқсонли, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташвишлар билан оғриган ўзбекистонлик бемор болаларни бепул соғломлаштириш. ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилатган бу каби ишлар ўсиб келаётган авлоднинг соғлом вояга етиши учун яратилган имкониятлардан биридир.

К.РАХИМХЎЖАЕВА.

Жараён

ЭНГ НАМУНАЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Шу кунларда жойларда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, танлов ва анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Фарғона шаҳридаги вилоят театр-концерт мажмуасида ўтказилган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари” танловининг вилоят босқичи ҳам юқоридаги шиор остида ташкил этилди.

Маҳалла фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда маҳалла институти нуфузини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар туфайли бугунги кунда ноёб тузилма — маҳалланинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти ўсиб, ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида голибликни кўлга киритган 19 та фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этган мазкур танлов аввалида маҳаллалар ҳаётига оид турли кўргазмалар, тадбиркор ва хунармандчилик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

Танловда иштирокчиларнинг фаолиятига доир ҳужжатлар кўриб чиқилди, мамлакатимизда соҳага доир қабул қилинган қонун ва қарорлар, уларнинг мазмун моҳияти хусусидаги билимлари, иш жараёнидаги тажрибалари синовдан ўтказилди.

Танлов якунига кўра, Тошлоқ туманидаги Тошлоқ шаҳарча фуқаролар йиғини биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Шунингдек, Жиззах вилоятидаги Юнус Ражабий номли мусиқали драма театрида ҳам “Энг намунали фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов шартлари бўйича Жиззах, Мирзачўл, Галлаорол туманлари, Жиззах шаҳри вакиллари юқори натижаларни қайд этишди. Саволи-жавоб тарзида ўтказилган иккинчи шартда эса танлов иштирокчилари ўзларининг билим ва салоҳияти, иш жараёнидаги тажрибасини намойиш этдилар.

Танловнинг якуний ҳулосаларига кўра Жиззах шаҳридаги “Қипчоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари голиб деб топилди, республика босқичига йўлланмани кўлга киритди.

“ЛОЧИН”ДА ИСТЕЪДОДЛАР НАМОЙИШИ

Истеъдодли ёшларни кўлаб-қувватлаш, уларнинг илм-фан, санъат ва замонавий технологиялар борасидаги изланишларини муносиб рағбатлантириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида Қашқадар вилояти Шаҳрисабз туманидаги “Лочин” оромгоҳида ўтказилган “Юрт келажаги — 2015” иқтидорли ёшлар танловининг республика босқичи бу йил ҳам чин маънода истеъдодлар намойишига айланди.

Жорий йилда танловнинг туман ва вилоят босқичларида юртимизнинг турли ҳудудларидан минглаб ёшлар ўзларининг янги гоёлари, интеллектуал салоҳияти, пухта бизнес режалари, архитектура ва дизайн соҳасидаги лойиҳаларини намойиш этди. Худудий босқичларда голиб бўлган 419 ўғил-қиз “Лочин” оромгоҳига жалб этилди.

Танловнинг финал босқичида “Архитектура ва дизайн”, “Ахборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар”, “Анъанавий ва амалий санъат”, “Адабиёт ва журналистика” йўналишлари бўйича 33 голиб аниқлиниб, уларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз.

ОБОДЛИКНИ СЕВГАН БОБО

Тўрақўрғонлик Отамирза бобо Боймирзаевни нафақат Яндома қишлоғида, балки туманда, қолаверса, вилоятдаги қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қиладиган каттаю кичик, миришкор деҳқонлар яхши билишади. Бугун қариллик гаштини сураётган отахон бутун меҳнат фаолиятини деҳқончилик ва боғдорчиликни ривожлантиришга, элимиз дастурхони тўқинчилигига бағишлади. Ўз таъбири билан айтганда, “кетмонга кучи етадиган” ёшидан буён далада, боғда ҳалол пешона тери эвазига элда обрў топди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида бошланган иқтисодий ислохотлар Отамирза отани ернинг ҳақиқий эгаси бўлишдек бахта муяссар этди. Фермерлик ҳаракатиға биринчилардан бўлиб қўшилган ота ўн нафар фарзандни ёнига олиб, “Боймирзаевлар сулоласи” фермер хўжалигини ташкил этиб, боғдорчилик йўналишида фаолият бошла-

ганди. Ўтган йиллар давомида ота фарзанду невараларини ўз қанотиға олиб, халқимизга шириндан-шакар ўрик, хурмо, гилос, анору олмаларни етиштириб келмоқда.

— Бахт калитини мўмай даромад топишда, деган одам адашади, аксинча, унинг илдизи меҳнатда, ҳалол ризқ-насибада. Яхши яшаш, тинч-хотиржам ҳаёт кечириш учун энг аввало, мияни ишлатиш керак, деб фарзанд ва невараларимиз насиҳат қилман, — дейди Отамирза бобо биз билан суҳбатлашаркан. — Бугун ёшим саксондан ошиб, белимдан қувват кетган бўлса-да, лекин руҳим тетик, ҳалиям бир кетмонга кучим етади, фақат ўзимни аяйман, йўл-йўриқ кўрсатаман болаларимга. Юртимиздаги ўзгаришларни қаранг, кўрган кўзлар қувнайди. Кимнинг тушига кирибди, бундан ўттиз йил аввал шундай қунлар келади дейишса, устингдан қуларди. Мустақиллик бизга жуда катта имконият-



Суратни Рашид ГАЛИЕВ олган

лар эшигини очган мана шундай хур, озод ва обод замоннинг қадриға етиш керак. Ишлаган, шукр қилган одам кам бўлмайди. Бу ҳақиқатни мен ўз ҳаётим мисолида кўриб келаяпман.

Меҳнатдан келаётган даромадимизга янги уйлар қуриб, тўйлар ўтказаятганлигимиз ана шу меҳнатларимиз самарасидан. Қолаверса, буларнинг бари юртимиздаги тинч-

лик, осудалик ортидан деб ўйлайман.

Инкор этиб бўлмайдиган ҳаёт фалсафасига тез-тез дуч келамиз. Чорваю паррандалар, ҳатто мевали дарахтлар, гуллар ҳам қалби тоза, нияти холис, саховатли ва энг муҳими, ота-онасининг дуоларини олишга муяссар бўлган инсонлар кўлида яхши униб-ўсар экан. Қаранг-а, бу гўшадаги мевали дарахтларни кўриб, ана

шу ақидаға яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Халқимиз ота-она дуосини тоғу бокқа қиёслайди. Ота дуоси тоғ бўлиб бўруну довулардан паноҳ бўлса, она дуоси боғ бўлиб, доимо фарзанд дастурхонини ризқ-рўз билан тўлдириб-тошириб турар экан.

Отамирза бобо умр йўлдоши, раҳматли Бухажал момо билан бирга фарзанд ва невараларини ҳеч қимдан кам қилмай, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб вояға етиши йўлида тиним билмади. Бугун ана шундай дарё янглиғ уммондан ёғилган дуоларни олган фарзандлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари ортидан кам бўлишмаяпти. Улар етиштираётган шириндан-шакар сара мевалар эл-юртимиз дастурхониға кўрк бағишламоқда.

Аҳмаджон РИХСИБОУЕВ,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Наманган вилояти.

Тинчлик, осойишталик улуг неъмат. Дунё кўрган, турли талотумларнинг гувоҳи бўлган кекса отахон ва онахонлар куну тун дуо қилсалар, энг аввало, жаннатмонанд юртимиздаги ободлик, тўқин-сочинлик, аҳиллик, бағрикенгликка шукрона айтадилар.

МАҲАЛЛАМИЗ — ҚАЛЪАМИЗ

Бизнинг маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек иноқ, тинч-тотувликда яшаб келишмоқда. Айниқса, турли байрамлар арафасида кексалар ва ногирон, хасталар ҳолидан хабар олиш, уларға беминнат хайр-саховат, меҳр-муруват кўрсатишдек эзгу ишлар маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда амалға ошириб келиняпти. Яқинда нишонланадиган энг улуг ва энг азиз Мустақиллигимизнинг 24 йиллик тўйи муносабати билан ҳам хозирги кунда бу борада катта тайёргарлик олиб борилмоқда.

Шунингдек, маҳалламиз аҳли ўртасида туман ҳокимлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар, прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда кейинги йилларда дунё микёсида глобал муаммолардан бириға айланиб бораётган одам савдосининг олдини олишға қаратилган тарғибот-тушунтириш тадбирлари ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Натижада бу жиддий масалаға шу ернинг ўзида ечим топилмоқда.

Маҳалламиз — мустаҳкам қалъамизни ҳамisha бундай иллатлардан имкони борича ҳимоя қилишда ҳамкор ташкилотлар ва мутахассислар бизга яқиндан кўмак бериб келаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Саип АКБАРОВ,
Яшнобод туманидаги “Муқимий”
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Соғлом аёл миллат саномадлигини белгилувчи муҳим омиллардан бири саналади. Айнан шунинг учун ҳам биз обод ва озод Ватан барпо этишни баркамол авлодни дунёға келтирувчи аёллар тимсолида кўрамиз, уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишлари учун бор куч, имкониятларни ишға солмоқдамиз.

Оила қуриш тасодифий воқеа эмас. Бу жараёнға миллийликдан кўра умумбашарий қадрият сифатида қаралса, тўғрироқ бўлади. Лекин бу масалаға бизнинг

халқимиз ўта жиддий аҳамият қаратиши ҳам бежизмас. Масалан, ота-болаларимизнинг бўлажак келин ёки кўвнинг етти пушти — авлод-аждодини ҳам обдон сўраб-суриштиришда келгуси насллар тозалигига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрамиз. Айниқса, қизларнинг бу борада кўпроқ ва жиддийроқ “имтиҳон”ға солинишлари замирида ҳам ўзига хос бир ҳикмат бор. Замонавий тиббиётнинг илмий ҳулосасига

кўра, чақалоқнинг келгусида илмли бўлиб, комилликка эришиши 80 фоиз тўма бўлар экан. Қолган йигирма фоизи туғилгандан кейинги оладиган таълим-тарбияси, қиладиган меҳнатига боғлиқ экан. Бундан англанадики, фарзанднинг келажига она вужудидалигидеяёқ аниқ бўлади.

Бўлажак онанинг руҳий ва жисмоний ҳолати, ҳис-туғилари фарзандға ўтиб, агар аёл пок қалби, диёнатли, виждонли бўлса, бу хислат-

лар бутунича фарзандда ҳам намоён бўлар экан.

Шу маънода ФХДЭ бўлимимиз ходимлари томонидан қизларни турмушға тайёрлаш, ҳаёт синовларига бардошли, оқил қилиб ўстириш мақсадида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, амалий машғулотлар ташкил этаймиз. Оилада келин одоби, фарзанд тарбияси, муомала маданияти каби тушунчалардан мунтазам хабардор қилиб туриш, фақат соғлом онагина соғлом фарзандни

дунёға келтириши ҳақида маслаҳатлар бериб келинмоқда. Қолаверса, маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг хуқуқий билимларини ошириш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтиришға ҳам катта эътибор берилаяпти.

Эсаной ЭРГАШЕВА,
Нуробод туман
ФХДЭ бўлими
инспектори.

УЧ АСР ГУВОҲИ

Касбилик Рухсат ая Довумовани ҳамқишлоқлари шундай дея эҳтиром кўрсатишади. Чунки...

Мен асрлар билан юзлашган кексаларимизни улкан чинорларға қиёслайман. Улар ўзларининг узоқ ҳаёт йўллари давомида қанчадан қанча машаққатлару, қанчадан қанча сир-синоатларға шоҳид. Муболаға эмас, уч асрни кўрган отахон-онахонларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида учратиш мумкин.

Ана шундай фаришасифат онахонлардан бири Рухсат ая Довумова Касби туманидаги Новқат қишлоғида яшайди. Овулда бу табарруқ момо ҳақида гап кетса, билмагани йўқ, ҳали-ҳануз хотираси бутун, деб мақташади. Маҳалладошлари онахоннинг қачон туғилган вақтини ҳазил тариқасидами ё чинми, ишқилиб, уч юз деб кўяркан. Шунинг боис ҳам даров невараларини ёнимга имлаб қақчириб, бувижонларининг ёшларини сўрадим. Улар елка қисийди, момонинг ўзидан сўрашга тўғриси, андиша қилдим. Кейин билдирмасдан дераза тоқчасига қўйилган паспортига кўз югуртирдим, хайратдан ёқа ушладим:

1891 йил 8 июль, 124 ёш!

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай.

Онахон болалик ва ёшлик дамлларини алам-ли хотиралар билан ёдга олдилар:

— Яшаш жуда оғир эди, қорин нонға тўймас, одамлар қарзлари ва нон эвазига ёш-ёш фарзандларини бойларнинг эшигига қулликка, қизларини бобоси қатори чолларға хотинликка беришға мажбур бўлишарди.

Қизлар мактаб нелигини ҳам билмасдилар. Томларға чиқиб ётардик, қизларни 9-10 ёшида турмушға узатиб юборишарди. Уруш йилларини айтмасам ҳам бўлади, жуда оғир даврлар эди. Фаллани кўлда ўрардик, кун бўйи 10 сотих ғалла ўрсак, бир коса ёрма, агар 20 сотих ўрсак, битта зогора нон қўшиб бериларди. Бу ишларни албатта, кексалар ва ёш болалар бажаролмасдилар. Одамлар очликдан кунжара ва шўра деган ўсимликни қайнатиб-ейишиб ўлишган, ёш болалар эса қизамик, чечак, вабо касалликларидан қирилиб кетарди.

Рухсат момо бироз тин олади. Сўнг яна биз учун эртангамо бўлиб туюлгувчи ўтмишдан ҳикоялар сўйлайди. Ва беҳитиёр бугунги дориланом кунлар ҳақидаги саволимизни эшитиб, кўзлари чақнаб кетади.

— Ҳозир Яратганга минг карра беадад шуқурлар бўлсин, болам, бундай фаровон, тўқин замон кимнинг тушиға кирувди? Юртимиз тинч, озод, обод, ҳаммаёқда ўзгариш. Ҳамма нарса муҳайё, тўй-томошаларни қаранг, уйимиздан одам аримайди. Худодийнинг берган қуни тўй-тўйчиққа айтиб кетишади. Қолаверса, қайси бир замонда кексаларни шу қадар эъзозлашган? Албатта, нурунийлари қадрланган юртдан барака аримайди.

Уч асрлик воқеалар ҳақида гувоҳлик бераётган бу мунис онахонни зиёрат қилмоққа шошилаётган юртдошларимиз кўп.

Гулжаҳон
ТОШПҲАТОВА,
Қашқадарё вилояти.

КОМИЛЛИК ТАРАДДУДИ

Фаолият

кўра, чақалоқнинг келгусида илмли бўлиб, комилликка эришиши 80 фоиз тўма бўлар экан. Қолган йигирма фоизи туғилгандан кейинги оладиган таълим-тарбияси, қиладиган меҳнатига боғлиқ экан. Бундан англанадики, фарзанднинг келажига она вужудидалигидеяёқ аниқ бўлади.

Бўлажак онанинг руҳий ва жисмоний ҳолати, ҳис-туғилари фарзандға ўтиб, агар аёл пок қалби, диёнатли, виждонли бўлса, бу хислат-

лар бутунича фарзандда ҳам намоён бўлар экан. Шу маънода ФХДЭ бўлимимиз ходимлари томонидан қизларни турмушға тайёрлаш, ҳаёт синовларига бардошли, оқил қилиб ўстириш мақсадида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, амалий машғулотлар ташкил этаймиз. Оилада келин одоби, фарзанд тарбияси, муомала маданияти каби тушунчалардан мунтазам хабардор қилиб туриш, фақат соғлом онагина соғлом фарзандни

дунёға келтириши ҳақида маслаҳатлар бериб келинмоқда. Қолаверса, маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг хуқуқий билимларини ошириш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтиришға ҳам катта эътибор берилаяпти.

Эсаной ЭРГАШЕВА,
Нуробод туман
ФХДЭ бўлими
инспектори.



Сайёра МАМАТҚУЛОВА:

БАХТ МАНЗИЛИ ОИЛАДА!

Қошимни қаролиги қаламдан-қаламдан, Боқсалар бегона кўзлар, ёнманг аламдан. Сочимни қаролиги ўтганми, онамдан Турли баҳоналар излаб, гап олманг мандан,

қўшиги хиргойиси анча пайтгача қулогим остида қотди. Ўша қўшиқ муаллифи, "Ниҳол" давлат мукофоти совриндори Сайёра Маматқулова эди. Эндигина санъат оламига кириб келаётган бу хонанданинг қўшиқлари ширали эканлиги учун ҳам қисқа муддат ичида ўз мухлисларини топишга улгурди.

— Куй жон орқали кирган дейишади, бу фикр қанчалик ўғри, аниқмас. Лекин бирор оҳангни эшитар чоғида киши аста-секин ич-ичидан куйдаги дардни ҳис этади...

— Бола туғилиши билан илк ашула — аллани тинглайди. Унинг дунёқарashi ҳам шу мезонлар асосида шаклланади. Бугунги замонавий тиббий хулосалар шуни кўрсатяптики, она қорнидаги ҳомила куй эшитади, тинглайди, ундан роҳатланади. Яна бирор киши ҳар хил хаёлларга чалғиб кетаётган бўлса, куйни эшита туриб, ўнганганини кўрасиз. Ҳали чақалоқ куйни тўла англамасдан уни эшитаяптими, демак, юқоридаги ҳикматда жон бор. Ҳозир дунё бўйлаб, "муסיқа терапия" деган тушунча авж олди: одамлар ўз хасталикларини муסיқа орқали даволяпти. Тасаввур қилинг, бирорта дори воситаси ишлатилмайди, муолажа фақатгина куй орқали олиб борилади. Шундан англаш мумкинки, мусиқанинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳам ниҳоятда бекиёсдир.

— Кейинги йилларда бир қизиқ ҳолатни кузатяпмиз: у ҳам бўлса, кўлидан келса-келмаса, айрим санъаткорларнинг фарзандлари ота-оналарига эргашиб, кўшиқчи бўляпти. Савол туғилади-да, хўш, бу соҳани эгаллаш шунчалик осонмикан, ёки?..

— Осон деб, сизга ким айтди? Енгил бўлиши мумкин, кимгадир.

Санъатнинг ҳақиқий фидойисиман, деганга бу касб жуда масъулиятли. Пул топиш, обрў ортириш истагидигиларга эҳтимол кийин эмасдир, лекин ўзига яраша машаққатлари бор. Болалик кезларимда отам Маъруфжон Маматқуловнинг дутор чалиб айтган кўшиқларини тинглаб, ҳузурланардим. Ўзига хос таровати, жозибаси мени кейинчалик мана шу соҳага етаклаган бўлса, ажабмас. Укам ва синглимининг суяги бошқа соҳада қотаётган бўлсаям, лекин ҳалихануз ёшлиқда ўрганган ашулаларни айтиб, барчамизни ҳайратга солади. Ўша куй-кўшиқлар ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради. Кўшиқларни эшитганимда, беихтиёр ўша воқеаларни эсга оламан: шундай кийин, масъулиятли касбни танлаганимдан сираям афсусланмайман. Келажакда бу ишларимни янада ривожлантиришни олдимга мақсад қилиб кўйганман.

— Аёлнинг энг катта бахти, бойлиги оила. Назаримда санъат бунга бироз тескари: кўча-



Гурунг

кўйда кўпроқ юриш керак...

— Оила доимо биринчи масала бўлган. Бизнинг истакларимиз, қилаётган юксак орзуларимиз бевосита оила билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Демак, аввало мана шу даргоҳда олган таълим-тарбия кейинчалик ҳаётда йўлимизни топишга ёрдам беради.

Устоз санъаткорларнинг ҳаёт йўлларига назар ташласак, амин бўламизки, оила ва санъат баравар олиб борилган. Санъатни деб оилдан, оилани деб санъатдан воз кечишмаган. Буни бугун айрим санъаткорлар ўйлаб топган, тушуниксиз тутум деб ўйлайман. Масалан, ўқитувчи ҳам аксар вақтини ўқувчилар орасида ўтказиши, лекин ҳеч бундан нолимайди-ку!

— Кўшиқлар савиясини кўтариш учун нима қилиш керак? Ёшларнинг аксари бугун рок, поп тинглайди. Йўналишингизни ўзгартириш ниятингиз борми?

— Биласизми, мен ёшлигимдан мақом эшитиб улғайганман, демак, у менга ҳамиша ҳамроҳ. Бугун ёшларнинг қизиқишлари эҳтимол, ўша айтаётган — "рок, поп" дадир. Лекин ёш авлод орасида мақом эшитадиган, айтадиган болалар борлиги қувонарли. Аксар одамлар — халқимиз нега миллий кўшиқларни кўп тинглашини сўрайди. Замон билан ҳамнафас бўлиб, рок тингласа, яхшику, дейди. Бунинг биринчи сабаби, аждодларимизнинг тутумига боғлиқ. Тасаввур қилинг, ота-боболаримиз мақом тинглашган, ундан роҳат олишган, эшита туриб, дунёқарashi кенгайган. Демак, бизнинг кинимизда ҳам худди шунинг белгилари кўринадир. Қондан қонга ўтган-да! Агар эйтибор қаратсангиз, оғир кўшиқларни эшитганлар табиати ҳам оғир, ҳар бир ишни мулоҳаза билан, чуқур ўйлаб ёндашадиганлар тоифасига киришади. Халқимизнинг донишмандлигининг энг асосий сабаби ҳам унинг табиати билан боғлиқ. Сўзни ҳис этади, фикрлар тиниқ, ҳиссиётлар самимий. Дарди бор одам кўшиқ айтса, юраклар сел бўлади-да!

— Бугун матни, муסיқаси чала-чулпа кўшиқлар кўпайди. Албатта, бунинг турли хил сабаблари бор. Бу ҳақда нуфузли давраларда жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бундай пайтда айбдорни топиш мушкул, кимдир хонандаларни айблайди, яна бирор хаваскор шоирларни, бошқаси эса ҳатто мухлисларни ҳам савиясиз кўшиқларга ружу қўйганлиги учун қойишгача бормоқда...

— Чуқур мулоҳаза қилиб кўрайлик, бизда танлаш имконияти деган мезон бор. Хўп, шеър яхши эмас, бачканами, ундан фойдаланмаслик керак. Энг ёмони, кўшиқ осонгина ёдланса, кўшиқчиларга маъқул тушади. Чунки аудитория уни тезда ўзлаштиришни ким ҳам истамайди, дейсиз?! Кейин ўзи шеър ёзиб, ўзи айтадиган, куй басталайдиганлар кўп хатога йўл қўяди. Шунчалик кенг қамровли одам бўлиши мумкинми?! Майли, истейодлидир, лекин мукаммаллининг бошида китоб ўқиш, изланиш, меҳнат туришини унутмаслик керак. "Меҳнаткаш одамга ҳеч қандай тўсиқ йўқ", деган экан буюк ёзувчилардан бири.

Олимжон ЖУМАБОВ
суҳбатлашди.



САВРСУВ — "Саврсув" сўзини асосан деҳқонларимиз тилидан эшитамиз. Савр ойида, яъни апрелда ҳосил ривожини учун ерга оқизиладиган сув "саврсув" деб аталади.

Ҳосилиннинг чўғи паст. Саврсуви берганмидинг? — деди Саттор ҳосилот Тоштемирга.

Журналдан

РЕЖИССЁР — саҳна ёки кино асарини саҳналаштирувчи ижодкор "режиссёр" дир. "Режиссёр" сўзи лотин тилидан кириб келган бўлиб, "rego" — "бошқараман" демакдир. Хуллас, "режиссёр" сўзи "бошқарувчи" деган мазмунни билдиради.

Бу асарни саҳналаштириш учун режиссёр ўша давр ҳаётини чуқур ўрганиши керак эди.

Журналдан

РАВНАҚ — биз "равнақ" сўзини тараққиёт, ривожланиш, барқ уриш, гуллаб-яшнаш, маъносидан тушунамиз, ишлатамиз. "Равнақ" сўзининг туб илдизи бу маънодан бироз фарқ қилиб, "ёруғ", "нурли", "ёрқин", "аниқ" деган маъноларни англатади.

Юрт тараққиёти ва равнақи ҳар биримизнинг фидойилигимизга боғлиқ.

Газетадан

ЧИМЁН ВА ЧИМГАН — юртимизда "Чимён" номлари кўп учрайди. "Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи" китобида изоҳланишича, "чимён" сўзи дастлаб "чимган" шаклида бўлган ва у "ўтлоқ", "майсазор" деган маънони англатган. Бу сўзлар ўзаги "чим" "ажрик" деган мазмунни билдиради.

Улар шу ҳафтанинг охирида Чимёнга чиқиб келишга келишиб олдилар.

Журналдан

БУЙРАКЧИ — тарихда "буйракчи" ҳарбий атама сифатида қўлланган. Кўшиннинг қанот қисми, ён томондан зарба берувчи қисми "буйракчи" деб аталган.

Ўнг буйракчи, сўл буйракчи, эравул барчаси менинг олдимга келдилар.

Абулғозийнинг
"Шажарайи турк" асаридан

ЎРДА — "Тарихий ҳарбий терминлар" китобида изоҳланишича, лашкаргоҳ, ҳукмдор қароргоҳи "ўрда" сўзи билан ифодаланган. Бунинг "ўрду" шакли ҳам бўлган.

Бизнинг ўрду билан мирзоларнинг ўрдусининг ораси бир шайрий бўлмай эрди.

Заҳриддин Муҳаммад
Бобурнинг "Бобурнома"сидан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ДАРДЛИ ДИЛ — ДАРДКАШ КЎНГИЛ



Сеvara Нурматова 1983 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳаётининг кўп қисмида, тўрт фарзандидан кўпроқ шу кизига қараган онаси Рафоат опа кўмағида ҳаракатланар эди. Фарзандининг қийнаётганини кўриб ўқийдиган оналарга қараб, бежиз "Онани тошдан ҳам яратмасин экан!" дейишмайди. Қизини даволаш учун бор кучи, қуну тунини ҳам аямаётган она ҳеч иложини тополмади. Фақатгина қизинининг кўпроқ ҳаракат қилиши ва машғулотларда иштирок этиши лозимлиги учун уни рақс тўғрағига, сузишга олиб борди. Машғулотлардан сўнг қизининг ҳаракати яхшиланди. Аммо... қутулмаганда Рафоат опанинг ўзи фалаж бўлиб етти йил ётиб қолгани сабабли кўмасиз қолган Севаранинг соғлиги янада оғирлаша бошлади.

— Машғулотларга қатнамай қўйганим боис биронинг кўмағи билан ҳам юришга қийналдим. Тасаввур қилинг, мен етти йил онажоним — суянчигимнинг тезроқ оёққа туриб кетишини Яратгандан ёлвориб сўрадим. Мени ўйлаб, тобора жуссаси кичрайиб бораётган волидамга кўлимдан келгунича далда беришга уринардим. Инсон ўзини азоблаб, дард чекишининг сира фойдаси йўқлигини биламан. Лекин на илож?..

Саломатлигини ўйлаб, кўп ҳаракатда бўлган Севара ҳаётда яшаш учун тинмай курашиш кераклигини англаб етди ва имкони етгунича яна сузиш машғулотлари, дуторчилар тўғрағига қатнашди. Ўзича шеърлар маш қилди, тасвирий санъат соҳасида ҳам изланиб кўрди.

— Ҳаракатим меъеридан ошса, тез чарчаб қоламан. Баъзан бу ҳолат машғулотларнинг энг қизгин палласига тўри келади. Шунинг учун бор диққатимни жамлаб, ҳар бир ишга алоҳида ёндашаман. Ўз имкониятларим чекланганини сезиб турман. Баъзан мен ҳақимда орқаворотдан гапиришаётганини эшитсам ҳам асло хафа бўлмайман. Шундай қисматга дучор бўлганлигим учун кимларнидир айблашим тўғри эмаслигини, энг асосийси, ўз кучим билан ҳар қандай тўсиқ-

Матонат

ни энгиб ўтишим мумкинлигини яхши биламан. Ҳаётга қулиб қараган кишига ҳар доим омад ҳам қулишига чин дилдан ишонаман. Баъзан имконияти чекланган айрим тақдирдошларимнинг дунёга бефарқ, тушқун ҳолатини кўрсам, ўқиниб кетаман. Ахир, бизга ўхшаганлар орасидан айрим спорт турлари бўйича жаҳон чемпионлари чиқаётганидан нега хулоса қилмаймиз? Шундай хунармандларни биламан, қўл ёки оёғи йўқ, сеҳрли оёқ-қўллари ёрдамида ҳар хил буюмларни яшашяпти. Ана матонат, ана мардли!

Севаранинг бегубор қалбидан бир дунё орзулар бор. Ўзидан кўра атрофдагиларни ҳар лаҳза ҳаёт учун курашишга чорлаётган бу кизга кўпчилик ҳавас қилади. Мунис онаизори Рафоат опа бўлса у ҳақда маҳзун сўзлайди:

— Билмадим, негадир фарзандимнинг бундай ҳолатига олдиндан тайёр эдим. Она менга кўп марта далда бўлган, насиҳат қилганлар. Лекин энг катта иродани, сабр-қаноатни кизимдан ўргандим. Ёши улғайган бўлса-да, шу вақтга қадар ҳали бирор марта тақдиридан нолимаган. Аксинча, ўзи менга далда бўлади, кўнглимни кўтаради. Дунёга қизимнинг кўзи билан қараганимда фақат муҳаббатни кўраман. Дардни бўлишадди, аммо у бошқалар дардини ҳам ўзига олади.

Севаранинг ҳаётга бўлган қизиқиши ўзгача, унинг ички оламида аҳд, шижоат яширин. Аммо, ҳаётда ҳамма нарса биз хоҳлаганимиздай бўлавермайди. Мана ҳозир ҳам Севара кўплаб тўсиқларни энгиб ўтмоқда. Айниқса, мактабни тамомлаб, олий таълим даргоҳига киришгани қараганимизда кўнглимиз касб-хунар коллежига ҳаракат қилди. Аммо, ёши ва бошқа сабаблар туфайли уни ўқишга қабул қилишмади. Хайриятки, Тошкент шаҳар Олмазор тумани 33-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Гулида Саъдуллаевнанинг беиминнат кўмағи билан Севара Нурматовага мураббий тайинланиб, барча шароитлар яратиб берилди. Бир неча ойки, унинг ҳаракатларида анча ўзгаришлар бор.

Онам кўз ёшига тўлган эй дарё, Сўзим бор, дардин ол, оқизгин!

"Онамнинг шундоқ ҳам кўнгли ярим, ҳамма фарзандларининг дарди биру, меники бир. Шундай экан, уларнинг изтиробига ўз ташвишимни қўшолмайман. Менинг шодлигим, ҳаётга, атрофдагиларга бўлган меҳрим билан кўнгли тўлса, оз бўлса-да, бахтли бўлса бўлгани".

Қаҳрамонимизнинг ушбу самимий сўзлари, унинг дардли дил эмас, дардкаш кўнгли эканини кўрсатади.

Камола АДАШБОВЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Ургутлик Муаззам Жабборова ҳақида гап очилса, кўли гул тўндўз, ишининг кўзини билладиган уддабурон, одамохун, ширинсўз ва меҳрибон аёл деган қатор мақтовлар келтирилади. Илк меҳнат фаолиятини тумандаги "Акрамобод" ширкат хўжалигида ишчи бўлиб иш бошлаган қаҳрамонимиз қатор йиллар "Андак" МФЙ хотин-қизлар бошланғич кўмитаси раиси, котиби бўлиб фаолият юритди. Бугунги кунда эса хўсусий тадбиркор. У тиккан ўзбеккона чопонларнинг бозори чаққон. Унинг қўлида



ТЎНДЎЗЧИЛАР ОИЛАСИ

сайқал топган чопонларни юртимизнинг турли ҳудудларига, ҳатто кўшни республикаларга ҳам олиб кетишмоқда.

— Ҳалиям эсимда, онам ва момом тиккан тўнлардан ортаган матолардан ўзим илк тўнча тикканман, — дейди **Муаззам опа биз билан суҳбатда.** — Бора-бора бу қизиқишим чинакам маҳоратга айланди. Тўндўзлик фаолиятим давомида юздан ортиқ шогирд тайёрлаб, уларга бу мураккаб соҳанинг сир-асрорини кунт билан ўргатдим. Бугун қизларим Дилфуза ва Гулбахор ҳам тўндўзлик бобида мендан қолишмайди, деса муволафа бўлмайди. Уларнинг ҳам 30 дан ортиқ шогирди бор. Тўндўзлик соҳасида, аввало, миллий анъаналарга хос бўлган тажрибаларни эринмасдан ўргандик. Қолаверса, давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун яратиб берилган имконият ва имтиёزلарни ҳаётга кенг тадбиқ эта бошладик. Кейин, талабга яраша тақлиф деганларидек, аҳолининг эҳтиёжларини инobatга олиб, тайёр маҳсулотларни бозорга олиб чиқа бошладик. Натижада талабгору миқдорларимиз кўпайди.

Андак маҳалласининг ибратли оила соҳиблари Қиём Облакулов ва Муаззам Жабборованинг қарийб қирк йиллик ҳаёт йўлига назар солсангиз, Оила деб аталмиш мустақам кўрғонга хос қувончу ташвишларнинг асл сийратини кўргандай бўласиз ва бу ибратли турмуш ортида нақадар машаққатли меҳнат, юксак муҳаббат, кадр ва ҳалоллик ётганини англайсиз.

— Яратган томонидан инъ-

ом этилган уч ўғил, тўрт қизимдан кўнглим тўқ, ҳаммаси ҳаётда ўз ўринларини топишган. 21 набирам кўзимнинг оқу қораси, энди шулар-да, бизнинг издошларимиз. Ҳаммаси атрофимда парвона, — дея сўзида давом этади Муаззам опа. — Оилада отанинг ўрни бекиёс. Фарзандларим илму хунарга ихлос, меҳнатсеварлик, ростўйлик, мардлиқ, инсоний гурур каби хислатларни отасидан ўрганиб ўсишди: бугун ўзига яраша бари касб-корли, ризқи бутун.

Катта ўғлим Насимжон фармацевт, Қосимжон иқтисодчи, Акбаржон тадбиркор. Қизларим ҳам оилали бўлиб, тушган жойларида бахтли яшашмоқда. Бугун фарзандларим, невараларим, турмуш ўртоғим эъзозиданман. Айтинг, бундан ортиқ яна қандай бахт бўлиши мумкин?

Ибратли оила соҳиблари Қиём ака ҳам пенсияда. Лекин бекор ўтиришни ўзига эп кўрмасдан, вақтини кўпроқ томорқасида меҳнат қилиш, мол-ҳолга қараш, мевали дарахтларни, гулларни парваришlash билан ўтказиши. Ўзгору учун барча озик-овқат маҳсулотларини томорқасида етиштиради. Мева-чева ўзларидан чиқади.

Уч нафар келин бу оилага худди қизларидай бўлиб кетган. Чунки Муаззам опа келинларини қизим дея, билмаганини билдирди, тушунмаганини ўргатди. Келинлар қайнонасини ўз оналаридан зиёда кўришмайди, хурмат-иззатини жойига қўйишади.

Хошим ОРЗИКУЛОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.
Самарқанд вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирнок, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).

Тикувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой.

Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, дарахтчалар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Хизматлар лицензияланган

Бир ҳовуч дур

Одобнинг болидан терса ҳар ким гул,
Ҳаёти тўлади хуш тароватга.

Одобли кишилар топар яхшилик,
Беодоб нишондир, бил, маломатга!

Юсуф Хос Ҳожиб

Одами ақду назокатда сулув,
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.

Анбар Отин



СЕРСАЛОМНИНГ МИСИ ЧИКДИ

Маҳалламизда серсаломлиги орқасидан "Мулоийм супурги" деб ном олган басавалят Амиркул Сотволдиевичнинг таниш-билиши яхшилар орасидан ҳам, қинғир иш қиладиганлар ўртасида ҳам бисёр. Ошина-оғайни бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам керак. Кўча-кўй, тўй-ҳашамларда номдор меҳмонлар билан ака-укадек, эски қадрдонлардек қучоқлашиб, ўпишиб сўрашайётганида шунақаям майин, латиф, юмшоқ, сертакалдуф бўлиб қоладики, бундай саҳнага кўзи тушган содда, тажрибасиз одамнинг кўнгли ҳайрат, ҳаяжон, юракни эркаловчи ширин туйғулар, англаш мушкул бўлган хавотир будутлари билан қопланади.



Акамиз нуфузли идораларга бемалол кирариб ёки ўша жойларда ишлайдиганлар билан ота-боладай гаплашиб ҳам боши ташвишдан шиган одамларнинг қалбига гулгула солмоқда. Манаман деганлар ҳам унинг ширин гап-сўзларига лаққа учиб, бу одамдай майин, назокатли, хушсўз, беозор, мўмин кишини умрим бино бўлиб учратмаганман деб ўйлаши, бу ҳам майли, атрофдагиларни ҳам шунга ишонтариши тайин. Қарабсизки, Амиркул аканинг "юқори" билан борди-келдиси, қуққлиги кўпчиликнинг кўз олдида исбот топади. Унга эса фаолият учун раво йўл очилади.

Қайси бир йили юридик йўналишда от суриб юрган йилларда шаҳардаги дўкон эгалари, бўлар-бўлмас фирма раҳбарлари, бозорқуму қассоблар, гулчилару ноичилар, паттацио пистафурушлар, тамакифурушу арокфурушлар Мулоийм супурганикига турна қатор бўлиб ёпирилиб келар, остона ҳатлаб ичкарига киришга юраклари дов бермас, дарвозахонанинг ўзида атаганини бериб, орқага тисариларди. Ким келиб кетган бўлса, улар текширишлар ва назоратдан озод қиларди. Ўзига бино қўйиб келмаганларнинг эса уйи куярди.

Тан олиб айтиш керакки, судхуқуқ органларига иши тушганларни қўллаб юбориш, кимнингдир боласини ўқишга жойлаштириш, тур-

ли йўлланмалар тўғрилаш, фалончининг ўлган отасига қабристондан тузукроқ жой топиб бериш сингари сони бору саногги йўқ илтимосларни бажариш, кўпчилигимизнинг қўлимиздан келмайди.

Оддий одам бошига ташвиш тушгани ҳақидаги хабар келгани ҳамоно тилидан айрилади, оёқлари чалишади, қилар ишини билмай боши гангиди, йўлдан адашади. Бунақа ишларда кип-қизил гўл экани кўлмак узра қалқиб турган товукнинг патидай аён бўлади, қолади. Унинг кўнглида эса дардини кимгадир аён қилиб, ишини битириш туйғуси уйғонади. Уммондаги сув томчилари сонидан ҳам бисёр маслаҳатчилар орқали ҳеч бир қийинчиликсиз Мулоийм супурги ва унга ўхшашларни излаб топдилар, бор-будини топширадилар. Ана шунда Амиркул акамиз профессионал даражада, галаговурсиз, енг ичида ишга киришади. Қилган иши ҳалолми, ҳаромми, ўзини ҳожабтарор деб юрадиган акамиз бошига ташвиш тушган одамларнинг ишларини ўзлари кўнгилдан чиқариб берганлари эвазига осонгина ҳал этади. Мулоийм супурги ўтирган ўрнини гуллата олмай юрган содда тўраларни деворга суяб кетса-да, уни бунга, буни унга уриштириб, баъзида пашшадан фил ясаб, тирноқчалик ишни ҳам чигаллаштириб юборса-да, кечаю кундуз емай-ичмай югур-югур қиляётганини исботлайди.

Нариги томондан тасодифан ижобий хулоса келса, ман қилдим, деб кўкрак керади. Салбий жавоб чиқса: "Мумкин бўлган барча чораларни кўрдим, бошқа иложини топа олмайман, бироқ, яхши одамлар ваъда қиляпти", дея сувдан куруқ чиқади.

Қани энди одамларнинг ташвишлари кўпроқ бўлса-ю, Амиркул ака енг шимариб ишга тушса, чўмичи мойдан чиқмаса. Шундай ҳам бу одамнинг иши юришгани юришган.

Шунинг орқасидан, қолаверса, у ёқ-бу ёқдан ёғилиб тушаётган "ҳадя"лар ҳисобига топар-тутари ҳам кўпаймоқда, "бизнес"и кенгаймоқда, кўша-қўша, маҳобатли, кўп қаватли уй-жойларини гранит ва мрамор билан қоплатмоқда, машиналарнинг энг сарасини танлаб олмоқда, узоқдаги яқинлари, хеш-ақраболарини ҳам кўчириб келиб, уй-жойлар билан таъминламоқда. Бир неча йил илгари вафот этган укасининг маърақасида кўринмагани. Билсак, хўжайинининг онаси казо қилганини эшитиб, водийга кетворибди. Ҳалоли бўлсин.

Унингча, бирни бирга уриштириб икки, уч, ўн, миллион қилиш даври келди. Каттани ака, кичикни ука дейишни билмаганидан

кейин, ўртага чиқиб ташлашишдан не фойда. Кўлингдан иш келмадими, четга чиқ, бошқаларга халақит берма, манфаати йўлида гов бўлма, бошқанинг нонини яримта қилма. Пулдор, бой-бадавлат одамлар, амалдорлар билан борди-келдини янада пишитиш лозим, иш битириш учун чор-атрофга тўр ташламасанг, ўлжа қаерда? Чўнтаги бақувватлари билан бордикелди қилиш, таниш-билишларнинг номини ўз жойида ишлатиб, эшакни лойдан ўтказиб олиш қиляётган ишининг барокатини беради. Мол аччиги, жон аччиги, қайси йўл билан бўлса-да, фарқи йўқ, даромад топиш режаларини тузиш ва пул топиш эр кишининг иши!

Бироқ, китоб ўқиган одам борки, муътабар қонунятларни четлаб ўтиш, барбири бир кунмас бир кун кишига зиён етказишини, ялтираб турган темирнинг ҳаммаси ҳам олтин эмаслигини яхши тушунади. Акахон серёмғир баҳор кунларида бир жомадон қимматбаҳо нарсаларини ўғирлаб, носвой хумори тутган кашандадек гандирақлаб қолди. Аммо йўқотган нарсаларига кўпам ачинмади, "хозяйка"си билан Майами оролларидаги мўвий, ложувард денгизнинг хушёқар майин тўлқинларида сузиб, ширин хаёллар оғушида чўмилиб, беш юлдузли отель ва ресторанларда жавлон уриб қайтди.

Бироқ унинг совунига кир ювганлар, тилини тишлаб қолмоқдалар, ўзларининг ёғига ўзлари ковурилиб,

Тўқил(ма)ган ҳикоя

унинг даргоҳидан оёқ узмоқдалар. Ҳатто кўни-кўшнлар ҳам обрўли ҳам сояларининг қармоғига илиниб, кўлини яхшилаб совунлаб ювиб, пахмоқ сочиққа артмоқдалар (Ҳозир кўлни қўлтиққа артиш модаси эскилик саркити сифатида қораланади).

...Кечирасизлар, гап билан овра бўлиб, ўзининг юрагини куйдираётган дийдиём ёдимдан чиқай дебди. Гап нимада дейсизми? Э, ёронлар, уйим куйди! Айтсам, тилим, айтмасам, дилим куйди: биттаю битта куёвим кеча кечаси қизимга "Отанг марказдаги тўрт хонали квартирасини менга хатлаб бермаса, эртага лаш-лушингни ортиб, уйингга олиб бориб қўяман", деб огоҳлантирибди. Кечаси қизим йўғлаб янгангизга кўнғироқ қилибди. Мен-ку, уйни беришга тайёрман, ўзининг куёвим, ўзининг қизим, ўзининг набираларим...

Ахийри, бош ачиб, Амиркул Сотволдиевичнинг уйига чопдим. Маслаҳат бердим.

— Куёвингиз қуюшқондан чиқибди. Уй сизники. Керак бўлса, ўзи ишлаб топсин, меҳнатнинг қадрига етсин. Ёшлар айтаверадилар ҳам, қайтаверадилар ҳам. Аҳамият берманг.

Бу гапни қизимга айтмайми, йўқми деб кунни кеч қилдим. Аммо унга ёки кудаларимга кўнғироқ қилишга босинмадим. Кўзим энди илинган экан, машинанинг овози, шарақ-шуруқ шовқиндан уйғониб кетдим. Чиксам, дарвоза рўпарасида қизимнинг юки ортилган машина. Кўшннинг дарвозасини тақиллатиб, "звончок"ни босгандим, Амиркул аканинг ўзи чиқди.

— Бу ишни ярим соатда ҳал қилса бўлади. Айтган эдим-ку, куёвингиз яхши бола эмас экан, деб. Айтганим бўлибди-да. Ён кўшни — жон кўшни деганларида чўқур ҳикмат назарда тутилган. Жоним билан хизматингизда бўламан. Ҳали сан кўр, ман кўр бўлиб кетасизлар. Юз кўкидан берсангиз, эрталабгача куёвингиз билан яраштириб қўяман. Маъқул бўлса, айтасиз...

Қамина эрталабгача босиб ўтган йўлимни, хато ва камчиликларини тафтиш қилавериб, бўғилиб кетдим. Мулоийм супургига ишим қандай тушиш қолганини ўзим ҳам билмай қолдим. Энди, нима қилсам экан?

Бошимни кўтариб деразага қарасам, бўзариб тонг отмоқда, онда-сонда олаҳаканинг қағиллаши эшитилади. Кўшнимизнинг қари кўппаги номигагина ириллаб қўяди. Ҳамишадигек қичқира-қичқира якка мўврийнинг ҳам уни ўчди.

— Тур, Зулфия, ўтирганимиз билан фойда йўқ, кудаларникига кетдик. Йўл-йўлақай, маҳалламиз оқсоқоли Сайфулла отани ҳам олволламиз...

Муҳиддин ПОЛВОН.

Ишдан таътил олиб, Фарғонага бордим. Эътибор берсам, кўчамиз бошидаги қайрағоч соя берадиган бўлибди. Утган-кетганлар салқинлаб, дам олиши учун тағига махсус ўриндик ҳам ўрнатилган. Ёнидан ўтиб кетаётим, бундан 16-17 йиллар бурунги воқеалар хаёлимдан ўтди.

...Бобом раҳматли бошчилигида акам, мен ва укам кўча бошидаги Тутмозор эшигининг ён-атрофига уч

БОБОМНИНГ ЧИНОРИ

туп қайрағоч экандик. Тўғриси айтганда, ўша пайтда бобомга норози оҳангда: «Нима қиласиз кўчага дарахт экиб, нима фойдаси бор», дегандик. Бобом эса: «Катта кўчадаги катта чинорни биласизлар-а? Соясиди маза қилиб ўтирасизлар, тўғрими?», деди. Биз тасдиқладик. «Уша дарахтни эканга савоб ёзилади. Эртага мана шу ниҳол-

лар буй тортиб қолса, шу дарахтни фалончи эккан, деб сизларни ҳам алқаб юришадим», дегандик.

Кейинчалик билсак, ўша катта кўчадаги чинорни ҳам бобом ёшлигида эккан эканлар. Хуллас, биз бобомнинг кистови билан 3 та дарахт ўтказдик. Ҳар кун эрталаб уч ўғлон сув қуярдик. Мен кўчада пақир кўтариб, дарахтга сув

қуйишдан негадир уялар, худди одамлар ичида: «Кўчага дарахт экишга бало борми» деяётгандек туюларди.

Йиллар ўтиб бобом дунёдан ўтди. Кейин ота-онам: «Бобонг эктирган дарахтлар сувсирабди», деб бизни ишга соларди. Ўша қайрағочларнинг фақат биттаси кўклади. Иккитасини болалар футбол ўйнаб синдиришди. Бугун эса шу дарахт кўча бошига соя ташлаб турибди.

Унга термилиб, бизни са-

Ибрат

хovatга, мардлик, меҳнатсеварликка ўргатган, савобу гуноҳ нима эканини, тўғрисизликини қалбимизга сингдирган фариштасифат бобожонимиз эсладим. Энди билсам, у киши чиндан ҳам оиламиз, маҳалламиз файзи бўлган эканлар.

Муслим МИРЗАЖОНОВ,
журналист.

Халқимиз болажон. Гўдакни овутиш, унинг кўнглини олиш учун ота-она ўзини ҳар кўйга солади. Ақлини таний бошлаган болага энг маъқул овутиш усули қизиқарли, яхши мультфильм кўйиб бериш. Бу ҳеч кимдан ортиқча вақт ва ҳаракат талаб қилмайди. Зангори экран қарши-сида ўтирган кичкинтойга мультфильмнинг фарқи йўқ. Кўйиб берганини кўради. Айрим ёш ота-оналар борки, фарзандига мультфильмлар канални ёқиб берса-ю, қуроғи тинчиса. Боласи нимани кўраётганининг тарбиявий аҳамияти томонини ўйлаб кўриши хаёлига ҳам келтирмайди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида фарзандларимизни юксак маънавиятга ва саломатлиги инсонлар этиб тарбиялашда, улар қалбига эзгулик, инсонийлик, меҳроқибат туйғуларини сингдиришда ўйинчоқлар, эртак ва мультфильмлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Ойнаи жаҳон бераётган "тарбия" ҳозирда ўзини қанчалик оқлаётми? Айни пайтда болажонларимиз севиб томоша қиладиган, уларнинг миллий-маънавий қарашларига кучли таъсир кўрсатадиган мультфильмларнинг ташвишли жиҳатлари йўқмикан?..

ЗАМОНАВИЙ МУЛЬТФИЛЬМЛАР

Шиддат билан одамлар бораётган замонда мавзу-моҳияти жиҳатдан бизнинг шарқона кадриятларимиз, ўзбекона урф-одатларимиз, дину диниёнамизга мос келмайдиган мультфильм, кино ва сериаллар кўпайиб бормоқда. Уларнинг аксарияти Европа мамлакатлари, АҚШ, Хитой ва Япония маҳсулотидир. Бугунги кунда мазкур давлатларда яратилаётган мультфильмларнинг салбий жиҳатлари талайгина. Аввало, чет эл маҳсулотлари асосан, жанглик мавзуларида. Уларнинг қаҳрамонлари эса кўпинча табиатда учрамайдиган махлуқлардир. Бундан ташқари, уларда ёвузлик, ваҳшийлик каби кўрқинчли сахналар жуда кўп. Тўғри, бу томошабинлар диққатини тортиш учун қўлланиладиган усул. Бироқ, бундай сахналарни кўрган болада аввалоги кўрқув аралаш қизиқлиқ уйғонади, кўриш одат тусига кирган болада эса раҳмдиллик ўрнини тошбағирлик, шафқатсизлик эгаллайди. Мисол, АҚШнинг машҳур режиссёри Ден Скенлон томонидан яратилган "Махлуқлар

университети" мультфильми. Ундаги на инсонга, на ҳайвонга ўхшайдиган бир кўзли махлуқларни кўриб, баъзан катталарнинг этимиз жунжакади. Мазмун-моҳиятини қидириб ҳам топа олмайдиган ушбу "болажонлар овуночи" томошабинидан нима кутиш мумкин? Айтишларича, айнан мана шу 107 дақиқалик мультфильм 200 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад қилган экан.

Кўпгина мультфильмларда хавфли сахналар мавжуд. Биргина мисол: "Сичқон овловчилар" номли болажонлар севиб томоша қиладиган фильми олиб қарайлик. Мантиқсиз бу кино-


ларда ҳаё, ибод, андиша каби покиза миллий туйғулар емирилишига йўл очмайди, деб ким қафолат беради? Жавобсиз саволлар бисёр.

МАНТИҚСИЗ МУЛЬТФИЛЬМЛАР

"Мағзини ўзинг чақ" қабилида ишлаб чиқарилаётган мультфильмларни кўриб, очиги, ёшларимизнинг унга сарфлаётган вақтига ачинасиз. "Теплага", "Маша и медвед", "Шрек", "Мадагаскар", "Бернард", "Винни пух" ва ҳоказо каби "мултик"ларни кўриб, мантиқни топишга қийналасиз. Бундай ижод намуналаридан на маъ-

МАҒЗИНИ ЎЗИНГ ЧАҚ...

ёхуд мультфильмлар дунёсига саёҳат



фильмда кичик бир сичқон ака-укаларни ҳар кўйга солади. Реал ҳаётда бундай саргузаштларни бошидан кечирган инсон тирик қолмаса керак. Наҳотки, икки эркакнинг митти сичқончага кучи етмаса-я? Тавба! Бу фильмнинг маъноси нима?.. Эндигина ақлини таниётган болада "сичқон одамдан устун экан" деган тушунча пайдо бўлмай-дими? Айрим мультфильмларда эса баъзи ахлоқсиз сахналар борки, ҳатто катталар кўриб хижолат чекади. Бу болага нима беради? Бундай беодобликлар болакайларда, айниқса, қизалоқ-

навий озука ва на хулоса чиқариб бўлади. Эркак учун яхшигина комедиялар, холос.

ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Аввало, бола учун яратилаётган ҳар бир асар унинг онгига, ёшига мос бўлиши керак. Оқ ва қорани таний бошлаган кичкинтойлар эртак қаҳрамонлари орқали ҳаётни таний бошлайди. Улар ўрнига ўзини кўйиб кўради. Ўша қаҳрамонга ҳавас қилиб, меҳр кўяди. Юқориде айтиб ўтганимиздек бош қаҳрамон сичқон бўлса-чи?..

Мулоҳаза

Тўғри, деярли барча мультфильмларда ҳайвонлар ва жонзотлар мавжуд, бош қаҳрамонлар ҳам ўшалар. Аммо Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг бешта ёмон ҳайвон бор деганлари кўплаб манбаларда учрайди. Улар ҳаж зиёратига ҳам, ташқарида ҳам ўлдирилган экан. Булар: илон, олақарға, сичқон, қутурган ит, калхат. Энди тасаввур қилинг, бола бош қаҳрамон деб биладиган сичқонни ўлдириб кўйсангиз, сизга нисбатан қарши ўзгармасмикан?

Бола ҳар бир ўқиган эртак ва ҳикоялар, кўрган мультфильм ва фильмларида эзгуликнинг доимо ёвузлик устидан галаба қозонишига ишонади. Оқ ва қорани танийди. Аслида ҳам эндигина дунёни таний бошлаган кичкинтойларга эртак ҳамда мультфильмлар таъсири беқиёс. Шунинг учун бугун савияли ва ҳар томонлама сифатли мультфильмларга эҳтиёж юқори.

"Алломиш", "Ботирнинг бахти", "Ур, тўқмоқ!", "Хунарманд шаҳзода", "Зумрад ва Қиммат", "Уч оға-ини ботирлар", "Айтсам, ишонмайсиз", "Эгри ва Тўғри" каби ижод намуналари қанчалик мазмунга бой. Бизда мультфильм ишлаб чиқариш яхши ривожланмагани бор гап, бироқ бола тарбияси учун аҳамияти катта. Чет эл маҳсулотларида ҳам мазмундорлари бор, албатта. Масалан: "Қирол шер", "Рим гладиаторлари", "Ака-ука Гримм эртаклари", "Сохибжамол ва махлуқ", "Уйкудаги Малика" ва ҳоказо. Мана шундай экран асарлари орқали мурғак қалб эгалари оламни, одамни идрок этади, ҳайвонот ва набототни ўрганади. Яхшилик ва ёмонликнинг фарқи боради. Замонавий мультфильмларда эса бундай гоғлар илгари сурилмаётти, менимча.

Болалигидан ноёб қобилияти, кучли хотираси билан ажралиб турган ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий кейинчалик муҳаддислар султони дея улуғландиган бўлди. Етук мутафаккир ва олим Абу Райҳон Беруний, шоирлар султони Алишер Навоий каби зотларни ҳам ота-оналари, устозлари болаликдан оқил-маърифатга йўналтирганлар.

...Биз-чи, фарзандларимизни аждодларга муносиб қилиб тарбиялашга етарлича аҳамият қаратяпмизми? Бунинг учун мультфильмлар ҳам том маънода санъат асари сифатида тақдим этилиши, барча меъёрий, руҳий талабларга жавоб бериши шарт.

**Эрали НОРБЕКОВ,
ЎзДЖТЎ талабаси.**

Хотира ёғдуси

ЎЧМАС ЧИРОҚ

Ўқитувчи ҳар бир инсонга илм зиёсини таратиш орқали дунёни танитади, шифокор эса бемор дардига дармон бўлиб, жисмига тетиклик ато этади, ҳаётга қайтаради. Аслида, ҳар икки касбнинг машаққати ҳам, шарафи ҳам ўзгача. Игна билан қудуқ қазимок нечоғли машаққат эканлигини айнан шу соҳада иш олиб бораётган одамгина теран англаб етиши мумкин.

Дадам Асқар Каримов умр бўйи заҳматкаш халқ дардига дармон бўлиб яшади, ўзининг бутун билим, тажриба ва лаёқатини ямади. Дастлаб шифо масканларида, кейинчалик эса ўзи таҳсил олган Андижон давлат тиббиёт ин-

титутида сидқидилдан меҳнат қилди, номзодлик диссертациясини химоя қилди, доцент, профессор ва кафедра мудирини лавозимларида ишлади. Ҳамиша иш устида, китоб вараклаб ўтирган, турли тиббий тажрибаларни мушоҳада қиладиган ҳолда учратардик. Ибротли жиҳати, дадам шогирдларига ҳам ниҳоятда меҳрибон эди.

Йиллар ўтгач, мен ҳам уларнинг изидан боришимни айтганимда, беҳад қувонган ва: "Қизим, шифокор бўлиш учун инсон ўзлигидан, ҳаловатли онларидан воз кечмоғи шарт. Бир сўз билан айтганда, уларга 24 соатлик вақт ҳам

кам. Шаҳсан мен умр бўйи ана шу машаққатга дош бериб яшадим. Сен-чи, чидай оласанми, ҳозирдан чуқур ўйлаб кўр!" деган эдилар.

Дарвоқе, дадамнинг гаплари рост эди. Боиси, ҳатто ярим тунда ҳам дарвозамизни тақиллатиб келувчи қўни-қўшни, таниш-беғоналар кўп бўлар, у киши эса ширин уй-қўсини тарк этгани учун ҳеч қачон афсусланмасдан, беморлар дардига малҳам бўлардилар.

Тақдирни қарангки, мен ҳам шифокор бўлиб етишдим. Бугун бу касбнинг машаққатини ҳам, шарафини ҳам кўра-япман ва бутун вужудимдан,

чин қалбдан ҳис этаяпманки, мабодо уйимизга кечаси кимдир шифо илинжида келгудек бўлса, асло оғринмайман, аксинча, дадам айтган сўзларни эслайман.

Йиллар ўтаверар, авлодлар эса бирин-кетин ўрин алмашаверар экан. Лекин ҳамма гап бизга берилган ана шу қисқагина умрнинг қай тарзда кечиши кўп жиҳатдан ўзимизга ҳам боғлиқ эканлигини ўз падари бузрукворимнинг ибротли ҳаёти мисолида гувоҳи бўлдим.

Ҳозир ҳам кўча-кўйда, иш жойимда, турли хил тadbирларда бутунлай нотаниш одамлар билан кўришиб қол-

сам: "Асқар ақанинг қизисиз-а, шундай инсоннинг фарзанди эканлигини билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди" дея мактаб, алқаб табаррук номларини хотирлайди, ўзларининг самимий дил изохорларини айтиб қолишади. Ана шунда юрагим исмсиз бир ёруғ туйғудан фахру ифтихорга тўлади ва беихтиёр: "Дадажон, сиз бизлар учун ўчмас бир чироқсиз, нафақат шарафли номингиз, балки савобли ишларингиз ҳам ибрат мактабидир" деб қўяман.

**Наргизахон
НАСИРДИНОВА,
Андижон давлат
тиббиёт институти
неврология ва психиатрия
кафедраси доценти.**


ОИЛА ОЙНАСИДАГИ СИНИҚЛАР

Бу ховлида жанжал бўлмаган, тинч ўтган кунни кўшнилар ҳам, ҳар эрга тарқаб, ота-оналарини ёлғиз қолдирган фарзандлар ҳам эслай олишмайди. Оилада беш нафар фарзандни вояга етказган Жўрабой ака ва Роҳила хола ёшлари улгайиб, ёлғиз қолиб кетишди. Халқ ичида юрган "Бир ота-она ўн фарзандни боқа олади-ю, ўн фарзанд бир ота-онани боқолмайди" нақли келиним хизматимни қилади, деган қайнонанинг, набираларимга тарбия берман, насиҳат қиламан, деган қайнонанинг орзуларини пуга айлантирди. Кенжа Нормуроднинг тўйи ўтди-ю, муаммолар кўлайди. Зухра келин бўлган кундан бошлаб қайнона-қайнотасини хурмат қилмас, уларнинг насиҳатига қулқ солмасди. Кетмакет хатолар қилди. Роҳила хола барчасини ичига ютди. Кунларнинг бирида келин буюмларини йиғиштира бошлади.

— Бу гурбат жойда бир кун ҳам яшайман. Отангизнинг қош-қовоғи жонимга теги. Онангизнинг насиҳати-чи? Агар бўлак яшайдиган бўлсак, болаларингизни олиб уйимга кетаман.

Келин ховлида тинмай вайсаётган қайнотасига қараб-қараб қўйди.

— Биз ҳам мундоқ тинч яшайлик. Ҳар куни жанжал бўлиши жонингиз-



га тегмадимми?!

Нормурод нима қилишини билмай қолди. Хотинининг сўзини тўғри деб ўйлади. Отасининг дашномлари-ю, аёлининг вайсашлари уни бир йўлни танлашга ундар эди. Тинч оиласи бузилишидан кўрқиб, ижарага уй олиб, бу ердан кетишга ахдланди.

Жўрабой ота энди хотинига захрини соча бошлади.

— Ҳаммасига сен айбдорсан. Мана, тарбия берган фарзандларинг ташлаб кетди-ку! Булар одам бўлишмайди. Отам демайди-я, биронтаси.

Бошини эгганча ховли супираётган Роҳила холанинг индамагани отанинг баттар ғазабини келтирди.

— Ҳамма нарсаларингни йиғиштириб кет. Уша оқибатсиз болала-

Хатлар-тақдирлар

рингникага борасанми, бошқа жойгами, кўзимга кўринма.

Хотинини туртиб-гуртиб кўчага чиқазди. Роҳила хола кўни-кўшнлар олдида шарманда қилмаслигини ўтиниб сўраса-да, кечкурун ҳам уни юлун уйдан ҳайдарди. Катта ўғил Гафур онасини ўз уйига олиб кетди. Аммо муаммолар ҳал бўлиш ўрнига, янгилари юзага кела бошлади. Ёлғиз Жўрабой отадан фарзандлари, келинлари хабар олиб туришса-да ҳали маҳаллага, ҳали участка нозирига бориб: "Болаларим мени ташлаб қўйди, уларга фақат оналари бўлса бўлгани", дея арз қила бошлади.

Нотинч оиладаги муҳит сабаб Роҳила холанинг яна бир ўғли Гафурбек юрак хуружи билан касалхонага тушди. Бир неча йил аввал икки фарзандидан айрилган Роҳила холага бу дардлар ҳам қўшилди. Бунга ҳар бир одам ўзининг салбий муносабатини билдиради. Аммо бундай воқеалар айни ҳақиқат, бугун ҳам кузатилмоқда, десак хато бўлмайди.

Марзия ФАТТОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани.



ҚИШДА ҲАМ НУР ЭМАЁТГАН ҚИШЛОҚ

Италияда Виганелло деган ажойиб, миттигина қишлоқ мавжуд. Қишлоқнинг тўрт тарафи Альп тоғлари билан ўралган чуқур водийда жойлашган. Шу босис ноябрь ойининг ўрталаридан то февралнинг бошларигача қишлоқ аҳолиси қоронғиликда яшашга мажбур, яъни шу вақт оралиғида бу эрга умуман қуёш нури тушмайди.



Қуёш ёғдусига бўлган эҳтиёжни қондириш зарур. Қарангки, ҳокимият фуқароларининг фаровон ҳаёти ҳақида қайғуриб, бунинг чорасини топди. Виганелло катта ойна қутқарилган бўлди.

Бир неча юз йиллар давомида қишлоқ аҳолиси ҳар йили 2 феврални "Қуёш куни" сифатида байрам қилиб келишарди. Чунки уч ойлик зимистон кунлар ортада қолиб, бу эрга офтоб зийёси тарала бошлар эди. 2006 йили иқтидорли меъмор Жакомо Бонзани қуёш нурини бутун қишлоқ бўйлаб йўналтирадиган улкан техник кўзгу конструкциясини лойиҳалаштирди. Ушандан бери қишлоқликлар қиш кунларида ҳам офтоб нури ва ҳароратидан баҳраманд бўлишмоқда.

Улкан кўзгу қишлоқдан тахминан 870 метр баландликда, 40 метр квадрат майдонга ўрнатилган. Усқуна айланувчи асос (цилиндр)га эга ва у компьютерлашган механизмлар билан жиҳозланган бўлиб, улар кўзгу панелини нур йўналишига мослаб боради.

Бугун Виганелло гавжум сайёҳлик объектидан бирига айланган. Жакомо Бонзанининг айтишича, қишлоқни қуёш нури билан таъминлаш ҳақидаги ғоясига аввалига ҳеч ким ишонмаган. Унинг ҳамфикр дўсти муҳандис Эмилио Барлокко аниқ ҳисоб-китоблар билан ушбу лойиҳанинг муваффақиятли чиқишини асослаб бергач, маҳаллий ҳокимият ҳомийларни жалб эта бошлади. Албатта, лойиҳа харажатлари кичик эмасди — 100 000 евро атрофида. Турмуш фаровонлиги кўзда тутилган экан, лойиҳа шунга арзирди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси жамоаси ассоциациянинг Хоразм вилоят бўлими раиси Комила Собировага волидаи муҳтарамаси

ЧИННИПОШША аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Реклама

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари ДИҚҚАТИГА!

Шу йилнинг 1-30 август кунлари ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА РОССИЯ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ "СУВ УСТИДА КАТТА ТОМОША" дастури асосида сув мушуклари, тимсоҳлар, илонлар, жайралар, тўтиқушлар, шимпанзелар, гозлар ва бошқа ҳайвонлар иштирокида қизиқарли томошалар бўлиб ўтади!

Томошалар ҳар шанба 22-,29 август кунлари кеч соат 18.00 да, ҳар якшанба ҳамда 23-, 30- август кунлари эса кундузи 12.00 да ҳамда кеч соат 18.00 да бошланади.

Telefonlar:
244-35-91
244-35-94

Suv mushuklari, timsohlar, ilonlar, jayralar, to'tiqushlar, shimpanzalar, g'ozlar va boshqa hayvonlar ishtirokida

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўпмазмунли муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:

Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000, Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 836. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 4695. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5